

## Тошкент Жанубий вокзали реконструкция қилинади

---



"Тошкент-Жанубий" вокзали капитал таъмирдан сўнг яна маҳаллий рейсларга хизмат қилишни бошлайди.

Ўзбекистон пойтахтида Мустақиллик кунига (1 сентябрь) қадар "Тошкент-Жанубий" вокзалининг кунига 10 минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатишга қодир янги биноси фойдаланишга топширилади.

"Ўзбекистон темир йўллари" компанияси матбуот хизматининг [хабар килишича](#), капитал таъмирдан сўнг вокзал яна мамлакатнинг бошқа худудларига рейсларни амалга оширишни бошлайди. Сўнгги йилларда вокзал фақатгина шаҳар атрофидаги йўналишларга хизмат кўрсатаётган эди.

Вокзал бир қаватлилигича қолади, туташ худудлар ободонлаштирилади. Вокзал қарисига фаввора ўрнатилиб, икки томонида автотранспортлар учун тураргоҳ қурилади.

Бино иситиш ва совутиш тизимлари билан таъминланади. Кассалар эса алоҳида бинода фаолият кўрсатади.